



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 7 июл, шанба № 104 (1118)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Қорақалпоғистондан мактуб ОРОЛБЎЙИ АХОЛИСИГА ҲУКУМАТ ҒАМХЎРЛИГИ

Бир вақтлар собиқ шўро давридан бизга оғир мерос қолган. Шулардан бири Орол денгизи қурий бошлаши ва минтақада экологик вазиятнинг бузилганидир. Бу нафақат Оролбўйида истиқомат қилувчи икки ярим миллион аҳолининг, балки бутун Марказий Осиёда яшовчи халқлар учун ҳаёт-момот масаласи бўлиб қолмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов мамлакат Мустақиллигининг дастлабки кунларидан халқимизнинг фаровон яшашига, Орол денгизи қуришини тўхтатишга, жуда катта майдонни эгаллаган худуд аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратди. Айниқса, Юртбошимизнинг юзага келган экологик офат оқибатларини тугатиш юзасидан жаҳон ҳамжамиятига қилган муражаати ҳеч қимни бефарқ қолдирмади. Унинг шу каби ташаббуслари, саъй-ҳаракатлари натижасида 1995 йил 19-20 сентябр кунлари Нукус шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида халқаро анжуман бўлиб ўтди. 20 сентябр кунлари Нукус шаҳрида Бирлашган Миллатлар Республикаси Жўқорги Кенгесиде Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Нукус Декларациясини имзоландилар. Мазкур ҳужжатда Орол денгизи қуриши оқибатида юзага келган муаммоларни ҳал этишга қаратилган дастурлар ўз аксини топди.

Нукус декларацияси қабул қилингандан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ, ОБСЕ сингари ташкилотлари, халқаро банклар, жамғармалар Оролбўйи аҳолисига амалий кўмак бериш учун аниқ лойиҳалар, тақлифлар тавсия қилди.

Нукус Декларациясида алоҳида таъкидланган «Орол денгизи: тоза сув, санитария ва аҳоли саломатлиги» лойиҳаси яқдлик билан қабул қилинган эди. Ушандан буён сал катта орти йил ўтди. Ҳўш, мазкур лойиҳани ҳаётга татбиқ этишда нималарга эришилди?

— Ушбу Декларация қабул қилингандан кейин кўп ўтмай, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича худудий гуруҳ тузилди, - дейди мазкур гуруҳ раҳбари Расберган Камолов. - Уни изчиллик

билан бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 октябрдаги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгазининг 1998 йил 18 ноябрдаги Қарорлари қабул қилинди. Тегишли ташкилотлар томонидан 51,3 миллион АҚШ доллари миқдориде маблағ ажратилди. Лойиҳада белгиланган тадбирларни 2003 йилнинг 31 декабрида тўла тугаллаш белгиланди.

Сув — ҳаёт манбаи. Экологик мураккаб шароитда яшовчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш нақадар муҳим иш эканини Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 июнда қабул қилган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини энгиллаштириш тўғрисидаги Қароридан ҳам билиш мумкин. Режага биноан сувдан жуда қийналган Нукус шаҳрининг Қизқетган посёлкаси аҳолисига биринчи галда кўмак беришга киришилди. У ерга оби ҳаёт етказиш бўйича эълон қилинган тендерда «Арабконтракторс» компанияси ғолиб чиқди. Компания вакиллари билан 1999 йил август ойидан буён 3,5 миллион АҚШ доллари миқдориде қурилиш-монтаж ишлари бажарилиди. Ўтган қисқа даврда кунига 4,9 минг куб метр миқдордаги сувни тақсимлаш маркази, 20,7 километрлик сув тармоқлари, 360 та ўлчовчи асбоблар ва яна кўпгина хизмат кўрсатиш иншоотлари бунёд этилди. Эндиликда қизқетганликлар тоза ичимлик суви билан кафолатли баҳраманд бўлмоқдалар.

Юқоридеги лойиҳага кўра «Қорақалпоғистон Республикасида қўшимча магистрал сув таъминоти тармоқлари» бўйича

ҳам тендер эълон қилинган эди. Умумий баҳоси 8 миллион АҚШ доллари миқдоридеги мазкур қурилиш ишларини Эрон Ислам Республикасидаги «Собир ва Шимбар» фирмаси зиммасига олди. Фирма Тўрткўл ва Беруний ҳамда Нукус шаҳарлари аҳолисини Туямуиндан тортилган қувурлардан оқиб келадиган оби ҳаёт билан таъминлашга астойдил киришди. Юмушлар аниқ режа асосида, юксак сифат билан олиб боришмоқда. Фирма жамоаси бу ишларни мамлакатимиз Мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида тугаллашни мақсад қилиб қўйган.

Экологик офат маркази ҳисобланган Мўйноқ шаҳри ва туманининг айрим овуллари ҳам ичимлик суви борди. Францнинг «СФЕК СА» муҳандислик-маслаҳат компанияси билан имзоланган шартномага биноан туманда сувни чуқуллаштириб берувчи асбоб-ускуналар ўрнатилди. Бу мақсадлар учун 5,24 миллион франк сарфланди.

Шунингдек, Нукус шаҳридаги Сарвинос мазеида канализация сувларини чиқариб юборадиган СП-1 А станциясини реконструкция қилиш бўйича Швейцариянинг «Фриза Инжиниринг СА» ва «Фела Планунг АЖ» фирмалари томонидан катта ҳажмдаги тадбирлар амалга оширилди.

Нукус шаҳридаги сув тозалаш тизимини реконструкция қилиш мақсадида эълон қилинган тендерда ғолиб бўлган Эрон Ислам Республикасининг «Аско» фирмаси 5,3 миллион АҚШ доллари миқдоридеги юмушларни келаси йил июн ойида тўла тугаллаш кўзда тутилган.

— Хулоса қилиб айтганда, - дейди худудий гуруҳ раҳбари Р.Камолов. - Бундан олти йил олдин Юртбошимиз ташаббуси билан бошланган Оролбўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш дастури амалга ошди. Бундан кекса-ю ёш чексиз қувонмоқда.

**Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.**

Шу йил 25 июндан 1 июлга қадар Москвада рус тили бўйича бўлиб ўтган ўнинчи Халқаро олимпиадада мамлакатимиздан беш нафар ўқувчи қатнашди. Беллашувларда навқирон ҳамюртларимизнинг барчаси ғолиб чиқди. Уларнинг тўрт нафари - Фарғона шаҳридаги 2-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Гуландом Юсупова, пойтахтимиздаги 166-мактаб 11-синф ўқувчиси Елена Калинина, ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназияси 9-синф ўқувчилари Гулисанам Каримова ва Пўлат Солихов олтин, мазкур гимназиянинг 9-синф ўқувчиси Фуркат Полвонозод аса бронза медалга сазовор бўлди.

Шоир Аваз Утар «тил воситаи робитаи олаъмиёндир» деб ёзган эди. Ҳақиқатан ҳам, тилларнинг халқлар ўртасида ўзаро дўстлик, тинчлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашдаги ўрни бекиёсдир. Мактаб ўқувчиларининг рус тили бўйича ҳар уч йилда бир марта ўтказиладиган Халқаро олимпиадасида ҳамдўстлик давлатларидан ташқари, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Австрия каби 40 дан зиёд мамлакатдан 260 нафар ўқувчи иштирок этди. Ўзбекистонлик йигит-қизлар олимпиаданинг барча қатнашчилари орасида нафақат кучли билими, теран тафаккури, ҳозиржавоблиги билан, балки хушхулки, аҳиллиги билан ҳам ажралиб турди.

Халқ таълими вазирлигида мазкур олимпиада ғолиблари ҳамда уларнинг мураббийлари билан учрашув бўлиб ўтди. Халқ таълими вазири Р.Жўраев иқтидорли ёшларни қўлга киритган муваффақияти билан қутлар экан, мамлакатимизда келажак авлодининг ҳар томонлама етуқ ва баркамол инсон бўлиб вояга етиши, хорижий тилларни ўрганиши учун барча шароит яратилаётганини таъкидлади. Зеро, ана шу мақсадда Президентимиз Ислам

Ўзбекистонлик мактаб ўқувчиларининг бундай нуфузли халқаро олимпиадада ғолиб чиқиши юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар миллий маданиятининг ривожланиши, ўз она тилида таълим олиши учун кенг шароит яратиб берилганидан далолатдир, - дейди Е.Калинина. - Масалан, Ўзбекистонда

айни шундай беллашувда ўзбекистонлик 5-синф ўқувчиси Ойниса Азимова энг кичик ва энг билимли қатнашчи сифатида олтин медалга сазовор бўлган эди. Бу йил эса беш киши қатнашди. Рус тилидан ташқари яна инглиз, япон тилларини ҳам пухта ўрганилган. Келгусида компьютер дастурчиси бўлмоқчиман.

Гулисанам Каримованинг айтишича, у илгари шаҳар, республика миқёсидаги олимпиадаларда иштирок этган экан. - Москва олимпиадасида олтин медални қўлга киритишимизда Санъат Исламбекова, Турсуной Хусниддинова, Гули Харратова сингари устозларимизнинг хизмати бекиёс, - деди у. - Биз ёшларга Президентимиз томонидан кўрсатилган ғамхўрликка ўзимизнинг пухта билимимиз ва меҳнатимиз билан жавоб беришимиз керак. Келажакда қайси соҳанинг мутахассиси бўлмайлик, Ватан равнақига ҳисса қўшиш бизнинг олий мақсадимиздир.

**Назokat УСМОНОВА,
Ўза мухбири.**

ЮРТИГА МУНОСИБ ФАРЗАНДЛАР

МАМЛАКАТИМИЗ ЎҚУВЧИЛАРИ - РУС ТИЛИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ

Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчиллик билан жорий этилаётган Қадрлар тайёролаш миллий дастурини бутун дунё эътироф этмоқда. Бугунги кунда минглаб қобилиятли йигит-қиз янгина таълим тизими бўйича билим олиб, катта ҳаётга қадам ташлай бошлагани, истеъдодли ўқувчиларнинг турли фанлар бўйича нуфузли халқаро олимпиадаларда муваффақият қозонаётгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Учрашувда 10-Халқаро олимпиада ғолиблари ва уларнинг ўқувчиларига вазирликнинг Фахрий ёрлиғи, қимматбаҳо совғалари топширилди.

Биз ғолибларни сўхбатга тортдик.



СИРДАРЁ - ФЕСТИВАЛ МЕЗБОНИ

Қадим Сирдарё бўйидаги қароқ дашту биёбонларни боғу-бўстонга айлантирган сирдарёликлар Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Шу азиз Ватан - барчамизники» республика фестивалининг навабатдаги мезбони бўлди. Бадиий академиянинг Марказий кўрғазмалар залида ўтказилган фестивал Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ва Бадиий академия томонидан Сирдарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. Фестивал очилишида қатор вазирлик, идора, корпорация, бирлашма, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Яқинда Сурхондарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида бўлганимизда, меҳнат худудий инспектор Бекмирза Умаров қўйидаги воқеани хикоя қилиб қолди.

Н. Доброхлебова Шўрчи шаҳар ҳокимлигига қарашли 1-болалар боғчаси мудираси лавозимиде ишларди. 1997 йил 3 январдан мазкур боғча Шўрчи туман ҳокимининг қарори билан халқ таълими бўлими тасарруфига ўтказилган. Мурада иш фаолияти давомида бир неча бор рағбатлантиришлар олган. 2001 йил 9 март кунини халқ таълими бўлимининг буйруги билан ота-оналар тўлов бадалларини вақтида кириб қилмасдан молиявий интизомни бузганлиги учун ундан 20 фоиз жарима ундирилган. 30 апрелда эса халқ таълими бўлими мудири буйруги билан педагогика кенгашининг қарори асос қилиниб, боғча мудираси билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Бу ҳолат мутахассислар томонидан кўриб чиқилганда қуйидагилар аниқланди: Шўрчи туман халқ таълими бўлимида жамоа шартномаси мавхуд. Лекин ундаги меҳнат тартиби иш берувчи ва бошланғич касабга уюшма

кўмитаси билан келишиб олинмаган ҳамда ички меҳнат тартиб қоидалари ишлаб чиқилмаган. Мудирнинг Н.Доброхлебова билан тузган меҳнат шартномасини бекор қилишида Меҳнат

роҳ котиби М.Римжоновдан Н.Доброхлебова масаласи юзасидан ўтказилган йиғилиш ҳужжатларининг асл нусхаси суриштирилганда эса ҳаммаси оидинлашди. У йиғилишнинг баён қисми тузилмаганлиги ва кенгаш раиси Н.Ишанза-

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

монидан ёзма ёки оғзаки оғохлантириш ҳамда компенсация тўловлари ҳам берилмаганлиги маълум бўлди. Меҳнат дафтарчаси мудири ишдан бўшатилган бўлишига қарамай, туман халқ таълими бўлимида сақлаб турилган.

ФИРРОМЛИК

роҳ томонидан имзоланмаганлигини тан олди. Бу билан у Н.Доброхлебова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича ўз буйругида «Меҳнат Кодекси»нинг 87-, 89-, 97-қисмида, 100-, 105-, 106-моддалари ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутувчи бошқа норматив ҳужжатлар талабларини бузган.

Аслида буйруқ чиқаришдан олдин касабга уюшма кўмитасининг меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ҳақидаги қарори бўлиши керак эди.

Текширишда Н.Доброхлебова ишдан бўшатилишида иш берувчи то-

ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ: ЯНА БИР ЙЎНАЛИШ

Тошкентдан Нью-Йоркка йўл олган «Боинг-757» самолёти 3 июл кунини Бирмингем (Буюк Британия) аэропортига қўнди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси матбуот хизматида хабар қилинганча, бу билан Тошкент-Бирмингем-Нью-Йорк янги йўналиши бўйича доимий қатнов бошланди.

Янги йўналиш учун бежиз Бирмингем транзит шаҳар сифатида танланмади. Амритсар ва Дехли йўналишларига мослаштирилган Тошкент-Бирмингем йўналишида қатнов амалга оширилаётганига бир йилдан ошди. Бирмингемда ҳиндистонликларнинг катта гуруҳи истиқомат қилади, улар доим бу йўналишлар бўйича қатнайди. Шу боис янги йўналишда ҳам йўловчиларнинг кўп бўлиши аниқ.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясини жиддий ҳамкор деб билган Англия ва АҚШнинг авиациа хизмати раҳбарлари унга Бирмингем-Нью-Йорк йўналишида «бешинчи ҳаво эркинлиги» ҳуқуқини берди. Ҳозирча бу ҳуқуққа МДҲдаги бирорта авиакомпания эга эмас.

Бу ҳол «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га Тошкентдан Нью-Йоркка қатновни кўпайтириш имконини берди, зеро ўзбекистонликлар учун тез-тез учимокда. Энди бу йўналиш бўйлаб самолётлар ҳафтада уч марта: икки гал тўғридан-тўғри, бир гал Бирмингем орқали учади. Бирмингем йўналишининг афзалликлари шундаки, у Дехли, Амритсар ва Жанубий-шарқий Осиёнинг бошқа марказларида амалга оширилаётган қатновлар билан мувофиқлаштирилган.

Бундан ташқари янги аэропортни ўзлаштириш Ўзбекистон авиакомпаниясини учун Канадага янги йўналишлар очилишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш керакки, Бирмингем Буюк Британиянинг иккинчи энг йирик аэропортидир. Ҳар йили бу ерда 7,5 миллиондан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатилади. Ҳар кун 160 тадан ошмиқ йўналиш бўйлаб самолётлар қатнайди. Аэропорт хизмат кўрсатиш тезлиги бўйича энг яхши деб топилган. Унда 50 дан ортиқ авиакомпанияга хизмат кўрсатилади ва улар қаторига энди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ҳам қўшилди.

Янги йўналиш Англия ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга, Буюк Ойпақ йўли бўйлаб сайёҳлик қатновини кўпайтиришга ёрдам беради, - дея таъкидлади Бирмингем лорд-мэри Жим Ворвуд.

(Ўза).

Истиқлол берган имкон

Катрада кўёш акс этганидек, ҳўжалиги-мизда ўндан ортик миллат вакиллари ахил яшаб, меҳнат қилиб келмоқда. Хар бир тадбирни нуроний отахон ва онахонлар кенгаши билан амалга оширамиз. Иноклик бор жойдан файз-барака аримайди, деган гапда кўп маъно бор экан.

АҲИЛ ОИЛА

бўлиб яшаб, меҳнат қилаётганимиз боис бахтимиз бекам бўлмоқда

Бундан етти йил аввал мени шу ҳўжаликка раҳбар этиб сайлашганда зиммамдаги масъулият ҳисси тинчлик бермади. Шунда фахрийлар, фаоллар ёнимга киришди. «Ишонимиз, удалайсан», дейишди, ёрдамларини аяшмади.



Дилар.

Хамжиҳатликда ҳаракат қилиб биринчи йилдаёқ ҳўжалик иқтисодини мустаҳкамлади. Қишлоқ одамлари ҳам меҳнатларига яраша даромад ола бошлашди. Мана бугунга келиб юзлаб деҳқонларнинг омбори донга тўлапти. Шунга яраша тўйлар қилиб, уйлар солишмоқда. Бир сўз билан айтганда ислохотлар самараси бўй кўрсатиб, фаровон ҳаётга замин қўйилди. Одамларда меҳнатга муносабат ўзгарди.

Дарҳақиқат, ижтимоий ҳимоя, моддий манфаатдорлик қаерда яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша жойда кўрсаткичлар ҳам юқорилайверади. Буни бу йилги галла мавсуми якунидан ҳам билса бўлади. Ўтган йилларда давлат буюртмасидан ортган ҳосил ижарачининг ўзига берилиши унинг пировард натижага қизиқишини оширди. Қалбиде режадан зиёди ўзимники, деган ишонч уйғонди. Гарчанд унчалик ҳосилдор еримиз бўлмасда-да қатор пудратчилар 50 центнердан орттириб галла ол-

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

ган пудратчиларга аталган мукофотларни топширамыз.

Ширкат касаба уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда бу йил бир янгилик жорий этдик. Яъни, кўча шийпон фаолиятини йўлга қўйдик. Фаллакорлар қайси далада ишласа, кўча шийпон ўша ерга олиб борилди. Унда ошона, дўш бўлиб, кундалик наشرлар мунтазам етказиб турилди. Хуллас, ишловчилар кўча шийпонда ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма шароит яратилди.

Бошқа дала шийпонлари ҳам талаб даражасида жиҳозланди. Уларда ҳўжалик ҳисобидан иссиқ овқат тайёрланади. Тазмирлаш устaxonасида меҳнат қилаётганлар махсус кийим-кечак билан таъминланган. Зарарли жойларда ишловчиларга сут ва қатиқ бепул берилди. Белгиланган муддатда тиббий кўриқдан ўтадилар.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги нишонланадиган дамларга ҳам санокли кунлар қолди. Шодиёнага биз ҳам қизгин ҳозирлик кўряпмиз. Ўша кунга кексаю ёшни чорлаб дастурхон ёзамиз, санъаткорларни тақдир этамыз. Табаррук инсонларга, илғорларга ҳамда оналар ва болаларга аталган пул мукофоти, совға-саломларимиз бор. Бир сўз билан айтганда, овоз ва обод юртимизнинг энг улуг байрамини барчага манзур бўладиган қилиб ўтказамиз.

Александр КИМ, Куйи Чирчиқ туманидаги «Тошовул» ширкат ҳўжалиги раҳбари, «Дўстлик» ордени нишондори.

Ўзининг ҳалол меҳнати билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий салоҳиятини оширишга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган фахрийлар бу гўшада кўпчиликини ташкил этади.

Биз туман «Нуроний» жамғармаси раиси Боки бобо Эргашевни ижрочи директор Шариф Давронов билан шахарнинг Уйчилик маҳалласида яшовчи Маннон Фозилов хонадонидан учратдик. Улар 76 ёшли уруш ва меҳнат фахрийси, ёлғиз қариядан кўнгил сўраш учун келишган экан. Маннон Фозилов жамғарма номидан 5 миңг сўм пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Отахоннинг кўнгли тоғдай кўтарилди, кўзларига ёш келди.

Оқоқоллар етакчиси Ипак йўли маҳалласида яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони 80 ёшли Ася Мукаева, Кеш маҳалласида истиқомат қилувчи Таися Мустақимова, Амир Темур номли жамоа-ширкат ҳўжалигида яшаётган Уроқ Бердиевлар хонадонидан ҳам бўлиб, қариялар билан ҳол-аҳволлашдилар. Бундай савоб ишлар мунтазам амалга оширилмоқда.

— Туманимизда 17,5

Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак

ча аниқ дастур ишлаб чиқилган. Меҳр-муруват маркази ишлаб турибди. Ўтган даврда 143 нафар ёлғиз

Парда Шербобоев номли ширкат ҳўжалиги фахрийлар кенгаши раиси Соҳиб Шокировнинг фаолияти ҳам ибратли. Ҳўжа-

ром Раҳматов раислик қилаётган туманларо савдо базаси 80 миңг сўм маблағ ўтказиб берди.

Ватан, ҳалқ манфаати йўлида хизмат қилган кишиларнинг хотираси эъзозланмоқда. Шаҳардаги «Зийнат» бадий буюмлар фабрикаси жамоатчилик маркази раҳбари Адолат Худойбердиеванинг бошчилигида корхона ташкилотчиларидан бири 100 ёшга кириб, вафот этган Моҳинисо Жалолованинг музейи ташкил қилинди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи», жангчи-шоир, драматург Шарофжон Орифийнинг хотираси абадийлаштирилди. Бундай мисолларни кўлаб келтириш мумкин.

Яқинда фахрийлардан 46 нафари Бўҳоро вилоятидаги қадамжоларини зиёрат қилиб келдилар. Республика мустақиллигининг 10 йиллиги олдидан Шаҳрисабз шаҳар телевидениеси муҳаррири Гулнара Узоқованиннг ташаббуси билан «Фахрийлар — фахримиз» кинофильми суратга олинмоқда.

Иzzат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

ШАҲРИСАБЗ ФАҲРИЙЛАРИ

Уларнинг 62 нафари 100 ёшдан ошган табаррук инсонлардир

миңг нафар табаррук инсонлар бўлиб, шулардан 2000 таси фронт орти меҳнат фахрийларидир, дейди жамғарма туман бўлими раис Б.Эргашев. Улардан 427 нафари уруш қатнашчилари, 73 нафари биринчи, 174 нафари иккинчи гуруҳ ногиронларидир.

Ёшлари 100 дан ошган отахон ва онахонлар 62 нафарни, 90 дан ўтганлар 172 нафарни ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш бўйи-

қария диспансёр кўригидан ўтказилди, 110 нафари касалхоналарда доволанди. Уларга кўлтиктаёқ, ҳасса, кўзойнак берилди. Ўтган йили 75 кишига 250 миңг, 2001 йилнинг 6 ойида 100 миңг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 110 нафар қарияга 350 миңг сўмлик кийим-кечаклар тарқатилди. 5 киши сихатгоҳларда доволаниб келди.

Шаҳрисабзда саҳоватпеша кишилар кўп. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи Абдунаби Мухаммадиев оиласига ёлғиз қария, иккинчи гуруҳ ногирони Гиёс Турсунов беркатиб қўйилган. Мухаммадиевлар оиласи доимо Гиёс бобонинг аҳволидан хабар олиб туришади.

ликда 849 нафар пенсионер бўлиб, уларга моддий ёрдам ёрдам кўрсатилмоқда. Масалан, турмуш ўртоғи узоқ йиллар ҳўжаликда тракторчи бўлиб ишлаган Тўхта момо Хидированиннг уйи қайта таъмирланди. Ёлғиз она Гулшан Эргашеваниннг яшashi учун бино қурилиб, табиий газ тушириб берилди.

Ҳомийлар ёрдами билан ибратли ишлар қилинмоқда. Мева-консерва ҳиссадорлик жамияти раиси, Олий Маҳлис депутати Неймат Исмоилов раҳбарлик қилаётган жамоа «Саҳоват» жамғармаси ҳисоб-рақамига 100 миңг, Азим Зайниддинов раҳбар бўлган «Хисоракқурилиш» бошқармаси 50 миңг, Баҳ-



Термиз туманининг энг сўлим, баҳаво гўшасида жойлашган «Пахтаой» болалар оромгоҳи биринчи гуруҳда 204 нафар ўғил ва қизни ўз бағрига олди. Такрорланмас табиати, барча қулайликлари билан болаларга манзур бўлган оромгоҳда улар мириқиб дам олиб, саломатликларини мустаҳкамладилар. Суратда: «Пахтаой» болалар оромгоҳи дам олувчилари. И.ХўЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

АСЛ МАҲСУЛОТЛАР ЖАҲОН БОЗОРИГА

Наманган вилояти ўзининг сарҳил меваларини, анвойи гуллари билан азал-азалдан машҳур бўлиб келган. Истиқлол берган имкон туфайли қатор санат корхоналари ҳам жаҳон бозорига юз тутмоқда. Бунда худудий стандартлаш ва сертификатлаштириш марказининг иштироки каттадир. Марказ директори Ҳабибулло Мухитдинов вилоятда бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бугунги кунда вилоятдаги қатор корхоналар жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариб, хорижа экспорт қилмоқда. «Марвел-Джус» қўшма корхонасида беш йилдан буён ўзимизда етиштирилган табиий ва экологик тоза мевалар ҳамда полиз экинларидан тайёрланган «TIP-TOP» шарбатлари чет мамлакатларда ўзининг сифатлиги билан тобора хариддоргир бўлиб бормоқда.

«Косонсой-Текмен» Туркия-Ўзбекистон қўшма корхонаси учинчи йилдирки, жаҳон бозорига маҳсулот чиқармоқда. Бу ерда республикада биринчи бўлиб маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган жун газлампалар Шарқ ҳамда Фарб мамлакатларда кўпга ўз харидорини топди. Шунингдек, «Ўздавстандарт» ва Туркия стандартлаш институти қўшма сертификатини олган ярим жун газлампалар сифати ҳам халқаро талабга тўла жавоб бермоқда.

«Намангантекстиль» акционерлик жамияти жамоаси ўтиш босқичига хос кийимчиликларни бошидан кечирди. Чунотчи, Россиядан вискоза ва Белоруссиядан лавсан материаллари келиши тўхтаганлиги корхона фаолиятини бир мунча мураккаблаштирди. Шунга қарамастан, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш чоралари қўрилиб, юз фоизи пахта толасидан иборат янги газлама ишлаб чиқарилишига эришилди.

Бундай маҳсулотлар тайёрлаш борасида «Нотўқимачи» ҳиссадорлик жамиятида кўлга киритилаётган муваффақиятлар ибратлидир. Мамлакатимизда сунтий мўйна ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Уни табиий ҳолдагисидан фарқлаш қийин ва шу боисдан Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан уни экспорт қилиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Вилоят саноатининг келгусидаги экспорт салоҳияти юксак эканлиги бугунги кунда олиб борилаётган ишларда ўз аксини топмоқда. «Ўзимёсаноат» тизимида кирувчи «Карбонам» ҳиссадорлик жамиятида 2002 йилга бориб, 15 миңг тонналлик целлюлоза ишлаб чиқарилади. «Нестле» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасида қўшимча цехлар тезкорлик билан бунёд этилмоқда. Ушбу корхона тўла қувват билан ишга тушган, 50 турга яқин сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришига эришилди. Натияжада қўшни вилоятлар ва ҳамдўстлик давлатлардаги миңглаб кичикойлар учун энг зарур маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмлари кўпайди. Бир сўз билан айтганда, Наманган тобора жаҳонга юз тугиб бормоқда.

О. ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

ЯНГИ САВДО РАСТАЛАРИ

Навбахор туманидаги «Янгиқўрғон» қишлоғи истиқлол йилларида янада обод бўлди. Янги бозорлар, ошхона, чойхона, тикув цехи, ўнлаб тижорат дўконлари қурилди. Яқинда улар қаторига «Янгиқўрғон» савдо маркази ҳам қўшилди. Замонавий усулда қурилган савдо маркази беш бўлимдан иборат бўлиб, унинг пештахталаридан 620 хилдаги маҳсулот ўрин олган.

Янги савдо маркази ишга тушгач, қишлоқ аҳлига хизмат кўрсатиш маданияти янада ортди, дейди туман ҳокими Фулом Облоқулов. Қарийб 4 миңга яқин киши шу ердан керакли маҳсулотларни харид қилади. Туманда савдо айланмаси 20 фоизга кўпайди.

Савдо марказини «Беширабот матбуоти» ҳиссадорлик жамиятига қарашли қурилиш участкаси қурувчилари 4 ойда фойдаланишга топширди. Дўкон жамиятининг ишлаб топган соф фойдаси ҳисобидан бунёд этилди. Яил охиригача Беширабот қўрғонидан яна битта савдо маркази қуриш режамиз бор, дейди Ф.Облоқулов. Шу билан биргаликда Янгиқўрғон қишлоғида гузар қурилиши ниҳоясига етказилади. (ЎЗА).

Турли ташкилот, муассасаларга эркин фаолият юритиш имконияти берилишини афсуски баъзи кимсалар нотўғри тушуниб, ўзибўларчиликка, қонун бузилишларига йўл қўйишмоқда. Буни Пахтачи тумани тиббиёт соҳаси мисолида кўриш мумкин. Воқеа оддий. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш ҳақидаги қарорига жавобан Пахтачи туман ҳокимининг 2000 йил июлидаги қарорига асосан туман марказий поликлиникасига юридик шахс мақоми берилди.

Шундан сўнг, поликлиниканиннг устави рўйхатга олинди. Унга кўра шифо масканининг мустақил баланси, мол-мулки, ҳисоб рақами, бош ҳақимнинг ваколат ҳамда ҳуқуқлари белгилаб қўйилди. Ходимларни ишга қабул қилиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳам шу жумлага кириди. Лекин, марказий поликлиникага эркин фаолият юритиш имконияти яратилган бўлса-да, мазкур муассаса туман марказий шифохонасининг бошқарув назорат доирасидан чиқарилган эмас.

Равшанки, тиббиёт соҳасида шифокорлар ишининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида уларнинг иш ўринларини алмаштириш тажрибаси қўлланилиб турилади. Фақат бунда қонун талаблари бузилмаслиги шарт. Туман марказий шифохонаси бош ҳақими А.Турсунов негадир буни ҳисобга олмади. У ўз қўли билан имзолаган 2001 йил апрелдаги буйруққа асосан «ҳақ тўланмайдиган таътилдан» қайтган акушер-гинеколог М.Ражабовани марказий поликлиниканиннг хотин-қизлар маслаҳатхонасига ишга тайинлади. Шу вазифада

дурустгина ишлаб келаётган Р.Абдурашидова эса турғуқона бўлимига ўтказилди. Адолатли тарзда поликлиника бош ҳақими

НОСОҒЛОМ МУҲИТ шифо масканида меҳнат қонунларининг бузилишига сабаб бўлмоқда

Н.Тошмуродов ушбу буйруқ ижросини таъминламади. Боиси, хотин-қизлар маслаҳатхонасида илгарги фаолият юритган З.Эргашева турғуқ таътилидан сўнг ўз иш жойи билан таъминланиши мутлақо қонунийдир. Иккинчидан, бир вақтлар ишдаги камчиликлар учун вазифасидан озод этилган М.Ражабовани зўрма-зўраки ишга жойлаштиришга уринган. Марказий шифохонга кадрлар бўлими бошлиғи Н.Жўраеваниннг таъкидлашича, ишга қайта тавсия этилаётган М.Ражабова шу ерда фаолият юритган кезларида қатор камчиликларга йўл қўйганлиги учун адолатли тарзда

ишдан бўшатилган. Бу тегишли буйруқда ўз ифодасини топган. Ҳайратланарлиси шундаки, 2000 йил 27 ноябрда марказий шифохонга бўйича чиқарилган буйруққа асосан икки ой олдин ишдан бўшаган шифокор М.Ражабовага 2000 йил 11 ноябрдан 2001 йил 1 апрелгача ҳақ тўланмайдиган таътил расмийлаштирилган. Бу нима, қонунни менсимаслики, ёки... Кузатишлар шуни кўрсатдики, марказий шифохонга бош ҳақими сабоқлардан тўғри хулоса чиқармаган.

Бўлмаса, бир вақтлар жарроҳ У.Мухаммадиевни қонунга хилоф равишда ишдан бўшатганида, касаба уюшмалари аралашуvidан сўнг хатосини тан олиб, бундай камчиликка қайта йўл қўймасликини уқтирганди.

Икки бош ҳақим ўртасидаги келишмовчилик жамоаларда асабий вазиятни юзага келтирди, майда гални кўпайтирди. Вазиятни чуқур ўрганган туман ҳокимлигининг ходими А.Ҳайитова кўп ўринларда марказий шифохонга бош ҳақими А.Турсунов нотўғри йўл тутганиниги эътироф этган. Бу устига, поликлиника бош ҳақими (юридик

шахс мақоми олигунга қадар) марказий шифохонга бош ҳақими шифокорлар Н.Абдуллаев, Н.Мавлонов, К.Бердиевров, М.Мухаммадиевлар хизмат вазифасини суистеъмол қилишаётгани, меҳнат интизомини сурункали равишда бузаётгани хусусида ёзма равишда маълум қилган. Негадир бу мужоатлар эътиборсиз қолдирилган.

Охир-оқибат туман ҳокимлигида масала қўйилди, атрофдаги кўймама қилинди. Муҳитни соғломлаштириш, шифо масканлари ишини намунали йўлга қўйиш, кадрларга нисбатан талабчанликини ошириш юзасидан йўл-йўриқлар берилди. Бироқ, шундан кейин ҳам марказий шифохонга бош ҳақими бўш келмади. Н.Тошмуродов номига топшириқ хати ёзиб, ҳамма жавобгарликини унинг зиммасига юклди. Ваҳоланки, у тажрибали раҳбар сифатида аввало ноқонуний буйруғини бекор қилиши, сўнгра чигал масалаларни ҳал этишга бевосита ўзи бош-қош бўлиши лозим эди. Ўзибўларчилик, мен асосий раҳбарман, меники тўғри, қабилидир иш юритиш, ҳар бир масалага иш манфаати юзасидан ёндаша билмаслик хатоларни кўпайтиради, носоғлом муҳитни янада чигаллаштиради. Ноиноқлик, адоват бор жойда ҳеч қачон иш олдинга босмайди. Буни туман марказий шифохонаси бош ҳақими қанча тез тушуна, ўзига ҳам, жамоаларга ҳам фойдали бўлур эди. Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

ИШОНЧЛИ КўМАКЧИ

«Супромед» илмий ишлаб чиқариш фирмаси республикамиздаги йирик тиббий аппаратлар саноат корхонаси сифатида яхши танилиб қолди. Фирма мутахассислари самарали излашлари натижаси ўлароқ бу ерда янги электроркадардиограф қурилмаси ҳам яратилди. Яқинда амалиётда фойдаланишга топширилган мазкур техник янгиликдан шифокорлар мамнун бўлишмоқда. У шифокорга муолажани жуда аниқ ташхис асоси-

да тезкор усулда адо этишда яқиндан ёрдам беради. Олти каналли бу қурилмадан кардиография мажмуаниннг асосий таркибий қисми сифатида фойдаланилади. Шу сабабли унга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Жойлардан қўллаб буюртмалар олина бошланди. Шунга кўра янги қурилмани саноат асосида қўллаб чиқариш режалаштирилди. Нурали ШОДИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН САНАТОРИЙЛАРИ ЧОРЛАЙДИ


«ТУРОН» Кўп тармоқли санаторийси. Юрак-қон-томир, асаб системаси, гинекологик касалликларни даволашга ихтисослашган.

«ЧИНОБОД». Овқат ҳазм қилиш аъзолари ва гинекологик касалликлари, қандли диабет. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан юқори бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«БОТАНИКА». Овқат ҳазм қилиш аъзолари ва асаб системаси касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.



«БЎСТОН». Юрак-қон-томир, асаб, урологик касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.



«СЎҚОҚ» оилавий пансионати.

«УМИД ГУЛШАНИ». Гинекологик касалликлари ҳамда бепуштлиқ билан оғриган кишилар даволанади.

«МАРҲАМАТ». Юрак-қон-томир, асаб системаси ва сурункали тери касалликлари.

«НИҲОЛ». Овқат ҳазм қилиш органлари, суяк-мушак тизими, асаб системаси учун гоят фойдали.



«ОҚТОШ». Нафас органларининг туберкулёзга алоқадор бўлмаган касалликларига тавсия этилади.

«СИТОРАИ МОҲИ-ХОСА». Буйрак касалликлари (ёз фаслида). Овқат ҳазм қилиш асаб ва таянч ҳаракати системаси учун гоятда фойдали.

«МИРОҚИ». Асаб системаси ва юрак, қон айланиши аъзолари касалликларига мўлжалланган.

«ЧИМЁН». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат органлари, асаб системаси, гинекологик ва урология касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«ЧОРТОҚ». Таянч ҳаракати системаси, овқат ҳазм қилиш органлари, асаб системаси, тери ва гинекологик касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«АБУ АЛИ ИБН СИНО» номли санаторий. Юрак-қон-томир таянч-ҳаракат органлари, катталар ва болалар асаб системаси касалликлари.

«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб системаси, гинекологик ва андрологик касалликлари.



«КОСОНСОЙ». Суяк-мушак, асаб системаси ва юрак-қон-томир касалликлари, овқат ҳазм қилиш органлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«ГУЛПАРШИН». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб системаси, гинекологик касалликлари жуда яхши даволанади.



Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси.

Зулхумор толиқиб кўзларини юмди. Кўнгли бир кенглик истарди. Кимсасиз, сассиз-содсиз бир кенглик...
 Телефонда сўзлашаётган ҳамхонаси тобора эҳтиросга тўлиб борарди: — Ростданми? Йўғ-е? Вой ярама-ей. Шундай де. Хамма нарса шундай писмиқлардан чиқади-да ўзи...
 Узича боядан бери аёвсиз «чанги» қоқилаётган ўша «писмиқ» жувонни кўз олдига келтиришга уринди. Уддасидан чиқа олмади. Кўнглининг қайси бир бурчагида унга нисбатан ачиниш ҳиссини туйди: «Бечора»...
 Эртага унинг ҳам шундай «чангини» қоқиди-

хали гўдак бўлса ҳам қарашлари шу қадар синчков, шу қадар беандиша, бешафкатки, унга дуч келганда Зулхумор оёқлари остидаги ерни йўқотиб қўйгандек саросимага тушиб қолади.
 Зулхумор салом бериб, хонасига ўтаркан, кўрқоқликка ўхшаш ҳоқисорлиги учун ўзини оқлашга уринди: «Нима бўпти? Ташқаридан келган киши салом бериши керак-да, ўзи... Қолаверса, тарбия кўрмагани учун ҳам у айбдор эмас. Онаси ҳам, ўзи ҳам даладан бошқа нарсани кўрмаган бўлса... Ёши ҳам... Олдинги йили саккизи битирган экан... Ха-эй, менга нима?!»
 Хамма укалари ораси-



ШАҲНАБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Тўйдан сўнг сал ўтмай оҳори кетмаган кийимлари мағзавада кўриб, бироз ранжиди. «Пули куймаган-да...» Яна ўзини овутиди: «Ёш-да, ҳали. Кийим-бошнинг қадрини қаердан билсан?».

НАМОЗШОМГУЛ

лар, унга ҳам «Бечора», деб ачинадилар... Уф!..
 Кўзларини очди. Атрофидаги деворлар бир-бирига яқинлашиб қолгандай туюлди унга. Шу тангу тор хонада ҳамхонаси илон рақисига тушарди. «Юзи қурсин илойим, садқай саломингиз кетсин, ўзи ким-у?»
 Бўғилиб эшикка қаради. Чиксангу, кетсанг, «Ростданми? Йўғ-е?» деган қамчилар шу хонада, шу аёл билан қолиб кетса, бошқа учрамаса!..
 Эшик пештоқидаги япалоқ соат миллари беш билан олтининг ўртасида бўйлашиб турарди.
 «Э-э... Кетдим!»
 Серғалва дунёга ҳеч қандай алоқаси йўқдек ҳувиллаб ётган йўлак бўйлаб бир-бир одамлаб бораркан, кўнгли бир мурод ҳиссини туйди. Кўкрагини тўддириб нафас олди. Қанийди, кетаверса, кетаверса... Бу оёвуда йўлнинг сира охири бўлмаса... У чарчамаса, толмаса...
 Онаси билан келинининг қарашларидан кўрқарди у. Онаси кейинги вақтларда кўнглидагини уқиб оладигандай ҳадеб мўлтираётган бўлиб қолган. Айниқса, эшикдан кирган пайти шундай қарайдики, у юрагига сизгасимаса қулиб салом беришга уринади.
 Келини... Келини бўлса, хамиша қандайдир беписандлик билан чимирилиб туради. Ўзи

*** ҲИКОЯ ***
 да Раҳмонни бўлакча бир меҳр билан яхши кўрарди. Агар турмуши шу хил давом этаверса, ота-онасидан сўнг ёлғиз боши қақшай уқасининг остонасигагина сиғадигандай эди. Шу боис, бу келинчақка кўп орзу-умидларини боғлади.
 Аслида фақат унга эмас... Хамма келинларини туширишда ҳам ўзи бош бўлган, барча харажатлар унинг қўлидан ўтган, ҳаммасига ҳам яхши-яхши ниятларини боғлаган. Аммо бу келин... Кимхоб камзул билан нон ёпганда, ўша матоҳини ўзи рози бўлиб берган бўлса-да, юраги эзиллиб кетарди.
 Университетни битириб келган йили, ишхоналаридан «8 Март»га беришган эди. Хамма тикиб-тикиб кийди. У «келлинигимда яшатиб киясан» деган пинҳона ният билан олиб қўйган эди. Орадан ўн беш йил ўтиб, «...яшатиб кийиш» насиб қилмаслигига кўзи етгач, шу хил ниятлар билан йилган бошқа сарполарни ҳам қўшиб, бўғчага солди: «Дўконма-дўкон изгиб юраманими? Ўзи савдо ходимларига ялинишдан ёмон кўрганим йўқ».

Мушқули осон бўлгани учун онаси миннатдор, бўғча асл сарполарга тўлгани учун укаси хурсанд, ази одамларини миннатдор қила олгани учун ўзи миннатдор: «шуларнинг бориға шукур...».

Онаси билан келинининг қарашларидан кўрқарди у. Онаси кейинги вақтларда кўнглидагини уқиб оладигандай ҳадеб мўлтираётган бўлиб қолган. Айниқса, эшикдан кирган пайти шундай қарайдики, у юрагига сизгасимаса қулиб салом беришга уринади.
 Келини... Келини бўлса, хамиша қандайдир беписандлик билан чимирилиб туради. Ўзи

Унинг ақли етмапти...
 Кўп ўтмай билдики, бу хил «доно»ликлар унинг қонида бор. Унинг олдида бу юм эмас, одам ҳам ҳеч қандай қадр-қимматга эга эмас.
 — Бир бошимга нечта қайнона?! - жар солди бир куни арзиммаган нарсасига учин. - Мен укасига текканманми, опасига?!
 Камини онаси келиб айтди:
 — Қизим, қўшқайнонанинг зуғумида сил бўп кетдику...
 Хайитгул хола «қўшқайнона»нинг ўрнидан ҳам жавоб бериб қўя қолди.
 — Рўзгор бўлгач, ачиқчучук гапи бўлади. Идиш товоқ ювсангиз ҳам шақур-шукур овози чиқади. Қизингиз бўлса, на мени билади, на эрини... Шу битта Зулхуморим, сал бўлмаса онаси тенги, ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ, Бирон нима сўраса, бало-

га қолади. Худого шукур, буням ўзига яраша ақли-хурмати бор. Пешонаси шундай бўлди-да нима қилай? Майли, қудагай, розиман. Обкетақолинг. Қизингиз бу ердан кетса, сизникидан жой топади. Мен қизимни қаерга ҳайдайман?
 Бундай таклифни кутмаган қудагай ловуллаб кетди.
 — Обкетай?! Эндими? Мен эшигимнинг олдида сув тўхташдан орқиланман. Сиз...
 Зулхумор бошқа нарсаси эшитмади.
 ...Демак, унинг онаси эшигимнинг олдида сув тўхташдан орқиланмайди. Тўхтаб қолган сув — кўлмак. Сасийди. Демак, у кўлмак. У...
 Ўша кеча умрида биринчи бор нафас олиш катта бахт эканлигини англади. Чикди, кирди. Гоҳ у ёнбоши билан, гоҳ бу ёнбоши билан ётди. Муздек шабада уриб турган дераза ёнида солатлаб туриб, кирғоқда қолган балиқдай ютоқиб-ютоқиб ҳаво ютди. Барибир бўлмади. Ўлкасининг қайси бир бурчақлари ҳавосиз қолиб кетаверди...
 Эрталаб ўрнидан турди-ю, қочди: худди айбдордай.
 Хамиша орзиқиб қутиладиган телефон кўнглироғи шу кун асабини бузди.
 — Тинчликми? - ҳайрон бўлди йўқловчи.
 — Узим...
 — Ўзингиз эканлигингизни билиб турибман. Ўша ўзингизга нима бўлгани билан қизиқаёпман.
 — Ҳеч нарса бўлгани йўқ, асабий жеркинди у.
 — Йўқ, айтасиз, мени бугун тинчгина ишласин десангиз...
 Зулхумор баттар асабийлашди.
Жамила ЭРГАШЕВА.
 (Давоми бор).

Пири бадавлатларимиз

Нуроний онахонлар нафақат ўз хонадонларининг, балки юртнинг бахтидир. Чунки оналар дуосидан юрт яшнаб, эл обод-фаровон бўлади. Шофиркон туманидаги Шароф бобо Ҳамроев қишлоқ фуқаролар йиғини худудида яшовчи Роҳатой ая Одилова 12 фарзандини оқ ювиб, оқ тараб элга қўшган табаррук онахонлардан. Саксон ёшнинг остонасида турган Роҳатой ая қарийб 60 йилдан бери турмуш ўртоғи Эргаш ота билан пири бадавлат умр кечириб келмоқда. Эл ишига камарбаста 7 нафар ўғил, 5 қиз, олтишдан ортиқ неварачеваралар нуронийларни хонадонимиз фаршаси, дуоғўйимиз дея алқашади. Уйлари-нинг тўрига ўтказиб ҳурматларини ўрнига қўйишади.

САҲНАДА - АЛПОМИШ
 Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрида Ўзбекистон Халқ шоири Усмон Азиннинг «Алпомишнинг қайтиши» спектакли премьераси бўлди.
 Спектаклда аждодларимизнинг қадимий урф-одатлари, турли маросим ва аъёнлари, турмуш тарзи, ўзбекиона орияти, ватанпарварлиги ва қаҳрамонлиги замондошларимиз ўй-кечинмаларига уйғун, ўзига хос таразда талқин этилган.
 Асарнинг бош қаҳрамони Алпомиш образини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насриддин Рустамов яратди. Асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Зулайхо Бойхонова ва Турғун Бекназаровлар ижро этишган.
 Спектаклнинг бош режиссёри Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаровдир.



Шахмат жаҳон адабиёти дурдоналарида ОҚИЛА КАНИЗАК

(Давоми. Боши газетанинг 100-сонида).
Мамажон МУҲИДДИНОВ
 Шундан кейин у энг кучли шатранжчи мутахассисни ҳозир қилишни буюрибди. Шатранж устаси Таваддудиннинг қаршисига келиб ўтириб, доналарни теорибди. Шатранжчи ҳам, канизак ҳам донга сурибдилар. Шатранжчи қандай юрмасин, канизак унинг режасини бузибди. Натижада шатранжчи мот бўлибди. «Сени ўзини билмаган деб ҳисоблайди, деган гумон билан таҳога йўл қўйган эдим. Қани, энди сенга бир ўйин кўрсатай» дебди шатранжчи. Канизак иккинчи марта саф тизганида шатранжчи ўз-ўзига: «Кўзингни оч, бўлмаса ютқизасан» дебди ва ҳар бир донани обдон ўйлаб юрибди. Бироқ бу сафар ҳам ўйин сўнггида канизак: «Кийш ва мот!» деганида, рақибининг зийраклиги ва мохирлигига тан беришга мажбур бўлибди. Канизак сўнги бор унга дебди: «Эй устоз, учинчи марта ҳам сиз билан мусобақалашаман, фарзинимни, ўнг томондаги руҳини, чапдаги отимни олиб қўйиб ўйнайман. Агар ютсангиз, кийимини олинг, агар мён ютсам, сизникини оламан». «Шартингга розиман» дебди шатранж устаси. Сўнгра улар яна саф тизибдилар. Таваддул фарзинини, руҳини, отини олиб қўйиб: «Устоз, қани юришни бошлаган», дебди. Устоз юриш бошлабди ва: «У сипоҳларини камайтириб ўйнапти, энди ютишим аниқ» деб ўйлабди. Канизак эса то рақибининг фарзининга

Фарзанд ато қилгани чу одат қилгай, ул одат ила касби сводат қилгай. Ҳар кимки атога кўп риюят қилгай, ўғлидин анга бу иш сироят қилгай. Алишер НАВОЙИ.
 Ёмғир дарахт баргларида чангу губорни ювгани каби гимнастика жисм губорини тозалайди.
ГИППОКРАТ.
ДОНОЛАР БИСОТИДАН
 Ҳар қандай одамга унинг қилган ишларига қараб баҳо бериш керак.
СЕРВАНТЕС.
 Болаларингизга яхшиликни синдириб ўстириг, уларга бахтини фақатгина шу фазилат беради.
Людвиг ван БЕТГОВЕН.
 Миллатнинг келажаги оналар қўлидадир.
БАЎЛЗАК.
 Гўзаллик туйғусини сингдирмай туриб, баркамол инсонни воёга етказиш мумкин эмас.
Робиндранат ТАГОР.
 Умр бизга уни сўнги дақиқаларга қадар мардона ҳимоя қилиш шарти билан берилган.
Чарлз ДИККЕНС.
 Маънавий гўзаллик хамиша саломатлик тошиб турган куч-ғайрат ҳақидаги тушунча билан уйғунлашиб кетади.
Лев ТОЛСТОЙ.
 Руҳ қалъасини сақлаб қолиш учун жисм қалъасини мустаҳкамлаш зарур.
Виктор ГЮГО.
 Бахтимизнинг ўндан тўққиз улуши саломатлигимизга боғлиқ.
Артур ШОПЕНГАУЭР.
 Дунёдаги барча кашфиётлар ичиде ағъ гўзали мукамал тарбия олган инсондир.
ЭПИКТЕТ.
 Доно одам дардига малҳам қидириб юргандан кўра касалликни ўзига йўлатмайди.
Томас МОР.

БҲИГА: 2.Касалликдан қолган оғир оқибат. 3.Йирик бўлма илон. 4.1763 йилгача Бразилия пойтахти бўлган шаҳар. 5.«...ҳаракат белни синдиради» (мақол). 7.Вақт ўлчови. 8.Ўрқачли, иш-улов ҳайвони. 9.Савдо-сотиқ қилинадиган махсус жой. 11.Эшик, дераза қабиларга зийнат ёки тўсиш учун тутиладиган буюм. 13.1932 йилгача Эронда муомалада бўлган олтин танга. 14.Ўзбек видеофильми. 15.Шоҳи Зинда ансамбли бунёд этилган шаҳар. 17.Миллат. 21.Машҳур ҳинд актёри Раж 22.Ўн икки буржининг бири. 23.Таъм, маза. 28.Яқин қариндош. 29.Мол ёғи, ўсимлик мойи ва бошқа моддалар аралашмасидан тайёрланган омикта ёғ. 30.Фалсафий фан. 31.Ўсимликлар ҳақидаги фан. 32.Италия футбол жамоаси. 37.Қишлоқ ҳўжалик қуроли. 39.Юзи ипак туқлар билан қопланган мато. 41.Икки нарса ўртасидаги масофа. 42.Бириктирувчи боғловчи.

БОШҚОТИРМА

1	2	3	4	5
		6	7	
			8	
9		10	11	12
		14		15
		16		
17	18	19	20	21
	22		23	
	24	25	26	27
28	29		31	32
33	34		35	36
	37	38		39
		41	42	43
			45	
				47
46				

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 96-СОНИДАГИ БОШҚОТИРМА ЖАВОБЛАРИ
БҲИГА: 1.Мақол. 2.Таҳсин. 3.Офат. 4.Амин. 5.Залвор. 6.Айрон. 7.Сандал. 9.Раманс. 10.Марка. 13.Комедия. 14.Казарма. 15.Архив. 18.Олмос. 21.Азройл. 22.Елкан. 23.Каучук. 27.Талқин. 28.Кўприк. 29.Обнус. 31.Қусто. 32.Лорд. 33.Корт.
ЭНИГА: 1.Макет. 3.Обида. 5.Зебра. 7.Сўхбат. 8.Биллур. 11.Ландиш. 12.Боцман. 15.Асад. 16.Домкрат. 17.Анко. 19.Катер. 20.Саржа. 24.Вазн. 25.Димлама. 26.«Марс». 29.«Омонат». 30.Қўпчак. 34.Лўқмон. 35.Коврак. 36.Сазан. 37.Дибит. 38.Какао.

ми. 8.Дунай дарёсининг энг йирик чап ирмоғи. 9.«Жанжалли уйда ... бўлмас» (мақол). 10.Индонезия пул бирлиги. 12.Қадимги Рим императори номи билан аталган ой. 16.Қитъа. 17.Кўпқари. 18.Тоғ этагидеги қир, тепалик. 19.Ойлик, иш ҳақи. 20.Зирхланган, гусеничали жанговар ҳарбий машина. 24.Пайгамбарлардан бири. 25.«Очик»нинг акси. 26.Тангали балиқларнинг бир тури. 27.Мевали дарахт. 33.Тенг томонли параллелограмм. 34.Бирор нарсага бўлган иштиёқ, қизиқиш. 35.Доривор, хушманзара ўсимлик. 36.1922 йил мустақил қироллик деб эълон қилинган Африкадаги давлат. 38.Вилоят. 40.Яқин Шарқдаги дарё. 41.Узумнинг оқ чиллакига ўхшаш, ширин бир тури. 43.Жанубий Кореядаги порт шаҳар. 44.Тикувчилик асбоби. 45.Саломга бериладиган жавоб. 40.Ўргимчаксимонлар синфига мансуб захарли жонивор. 47.Сира, мутлақо, ҳеч.
Тузувчи:
А.ХҲЖАМОВ.

Ўқинг, қизиқ!
БҲУМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА...
 Қадим замонларда Эрон шоҳи скифлар юртига бостириб кириб, уларнинг таълим бўлишларини сўрабди. Бунга жавобан скиф элчиси шоҳга каламуш, қурбақа, қуш ва бир нечта камон ўқи тўқазибди. Ҳўш, бу рамзий ашёлар нимани аниқлаган?
 Тарихдан маълумки, ёзув пайдо бўлгунга қадар одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини турли усулларда, асосан, буюмлар ва суратлар орқали ифода этганлар. Шу ўринда, буюм орқали «сўзлаш» ва расмий ёзув маданиятининг илдирилари энг қадимги даврларга бориб тақалишини таъкидлаш лозим.
 Буюмни, яъни, идеографик ёзув («идео» — гоя, фикр, «графо» — ёзаман) қадим аждодларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бунинг бизга етиб келган турли тарихий манбалар ҳамда ривоятлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, юқорида келтирилганимиз ривоятда каламуш, қурбақа, қушларнинг ҳаракатланиш тарзи назарда тутилган. Аниқроғи, скифлар сардори ўзи жўнатган рамазлар воситасида Дорога: «Агар каламуш бўлиб ерга кириб кетмасанг, қурбақадай ҳовузга шўнғимасанг, қуш каби осмонга учиб кетмасанг, менинг ўқларим сени ҳалок этади», — деган эди.
 Яна бир ривоятта кўра, Доро Исқандар Зулқарнайндан хирох тўлашни талаб этади. Исқандар бу талабдан бош тортиб, унга қарши курашга отланади. Бундан хабардор бўлган Доро душманнига чавгон, тўп ва бир халта гуруч юборади. Бу Эрон шоҳининг «Исқандар, сен тўп ўйнаб юрган ёш боласан, мен эса қудратлиман — лашкарим сон-саноксиз, сенинг мен билан курашишга кучинг етмайди», — дегани эди. Исқандар буюмларни келтирган Доро элчисига қарата: «Тўп — дунё. Мен уни чавгон ўйнаб ютиб оламан», — дейди ва сўнгра битта хўроз келтиришларини буюради. Хўроз бир зумда гуручларни еб тугатади.
 Айтиш лозимки, идеографик ёзувнинг айрим кўринишлари бугунги кунда ҳам учраб туради. Масалан, миллий урф-одатларимиз орасида «оқлик бериш» аъёнаси сақланиб қолган. Унга кўра, совчилар борганида қиз томон розилик белгиси сифатида совчиларга оқлик (оқ рангли мато) бериб юборишади.
Дилрабо АБДУЛЛАЕВА,
 талаба.

ISHONCH
 Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
МУАССИС:
 Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
 Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Котибият 56-52-78, 136-58-45;
 Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
 Босишга топшириш вақти - 21:00
 Топширилди 22:00

Максимум: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134
 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувада эркин нархда.
 «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
 Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.